**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

**Урганч шахар МТБ**
**бўлими мудири :**
**К.Д.Куваков**

**Урганч шахар мактабгача таълим бўлимининг 07.01 .2022 йилда тасдикланган 1-сонли буйругига асосан ташкил топган доимий фаолият юритаётган куйидаги таркибдаги комиссиясининг;**

**№ 20/ 01 сонли БАЁННОМАСИ**

**« 24 » 01 2022 йил** **Урганч шахри.**

Харид комиссияси таркиби:

Комиссия раиси: К.Д.Куваков

Комиссия аъзолари: Бош хисобчи Х.Каримов
иктисодчи Г.Сатимова
хисобчи Р.Балтаева
хисобчи М.Атабаева

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

1. Такдим килинган оферталарни (пакетларни) очиш ва урганиб чикиш;
2. Даъвогарларнинг таклифини бахолаш ва голибини аниклаш.

**1.** Кун тартибидаги масала юзасидан бахолаш комиссияси 2022 йил «24» 01 соат 10; 00 да куйидаги оферентларнинг вакиллари иштирокида
«FRESH TRADE GROUP KHOREZM» МЧЖ, «FRESH TRADE GROUP URGENCH» МЧЖ «Эшимов Мавлонбек Айбекович» ЯТТ,куйилган товарларни(ишларни,хизматлари)буйича талабгорларнинг такдим этилган пакетлари очилди.

| № | Талабномани такдим этган ташкилотлар номи | ИНН (ижрочилар) | Почта манзили | Танловда катнашган оферентлар вакилининг исми , шарифи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | «FRESH TRADE GROUP KHOREZM» МЧЖ | 304823468 | Урганч шахар Тинчлик 15уй | Б.Бабажанов |
| 2 | FRESH TRADE GROUP URGENCH» МЧЖ | 307322124 | Урганч шахар А.Ибрагимов 30 | Д.Матякубов |
| 3 | «Эшимов Мавлонбек Айбекович» ЯТТ | 502301599 | Урганч шахар И.Каримов 51/1 | М.Эшимов |

**2.** Ушбу товарларни (ишлар,хизматларни) етказиш буйича талабгорларнинг такдим этилган оферталарни куриб чикиш натижасида куйидагилар аникланди:
«FRESH TRADE GROUP KHOREZM» МЧЖ,- хужжатлари тулик хажмда такдим килинган;
FRESH TRADE GROUP URGENCH» МЧЖ - хужжатлари тулик хажмда такдим килинган;
«Эшимов Мавлонбек Айбекович» ЯТТ - хужжатларни тулик хажмда такдим килинган
Танлов комиссияси иштирокчиларининг таклифларини урганиб чикиб, уларни куйидагича эълон килинди:

| № | **Товарларни (ишларни, хизматларни) тури** | **Ўл. бир.** | «FRESH TRADE GROUP KHOREZM» МЧЖ | FRESH TRADE GROUP URGENCH» МЧЖ х | «Эшимов Мавлонбек Айбекович» ЯТТ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тухум | Шт | 920 | 950 | 950 |
| 2 | Томат паста | Кг | 17250 | 19000 | 19000 |
| 3 | Асал | Кг | 33741 | 35000 | 34000 |
| 4 | Мош | Кг | 11500 | 12000 | 12000 |
| 5 | Ловия | Кг | 11983 | 12000 | 12000 |
| 6 | Лимон | Кг | 17480 | 18000 | 18500 |
| 7 | Банан | Кг | 18239 | 21000 | 21500 |

*«Товорлар(ишларнихизматларни) буртмачи томонидананикланган бошлангич киймат ва муддати пакетлар очилгандан кейин укиб эшиттирилди:*

Бахолаш комиссияси аъзоларининг фикр-мулохазаларини эшитиб ва урганиб чиккан холда,

**Карор килади:**

*24 январь 2022 йилги ракобат варагига асосан арзон ва сифати борлигини хисобга олиб оферент* FRESH TRADE GROUP URGENCH» МЧЖ товарларни етказиш буйича голиб деб эълон килинсин.

Овозга куйиш натижаларига кура:
Тарафдорлар - 5
Каршилар - -
Бетарафлар - -

2. Буюртмачига танлов голиби билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш юклатилсин.

Бахолаш комиссиясининг танлов голибини бахолаш баённомаси савдо иштирокчиларига ўкиб эшиттирилди ва унинг тузилиши тугри деб топилди.

Урганч ШМТБ мудири: К.Д.Куваков
Комиссия аъзолари: Бош хисобчи Х.Каримов
иктисодчи Г.Сатимова
хисобчи Р.Балтаева
хисобчи М.Атабаева

* Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддасига асосан таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

## Ш А Р Т Н О М А №1/1

Урганч ш. «24» Январ_2022_й.

**"FRESH TRADE GROUP KHOREZM"** МЧЖ бундан буён матнда « Сотувчи» деб аталувчи номидан рахбари Б.Бабажанов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва **Урганч шахар Мактабча таълим булими** бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан рахбари Д.Кувақов фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

### 1. Шартнома предмети

**1.1.** «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради,«Харидор» эса мол-мулкнинг хаки тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

**1. 2.**

| № | Махсулоттури | Ўл. бир. | Микдори | Нархи | Киймати | 15% ККС | Умумийкиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тухум | Шт | 7600 | 800 | 6080000 | 912000 | 6992000 |
| 2 | Томат паста | Кг | 105 | 15000 | 1575000 | 236250 | 1811250 |
| 3 | Асал | Кг | 41 | 29340 | 1202940 | 180441 | 1383381 |
| 4 | Мош | Кг | 70 | 10000 | 700000 | 105000 | 805000 |
| 5 | Ловия | Кг | 95 | 10420 | 989900 | 148485 | 1138385 |
| 6 | Лимон | Кг | 20 | 15200 | 304000 | 45600 | 349600 |
| 7 | Банан | Кг | 100 | 15860 | 1586000 | 237900 | 1823900 |
| | **ЖАМИ:** | | | | **12437840** | **1865676** | **14303516** |

### 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (киймати)

**2.1.** Шартноманинг умумий киймати ККСсиз Ён турт миллион уч юз уч минг беш юз ун олти сўмни ташкил қилади.

### 3. Тўлов шартлари

**3.1.** «Харидор» «Сотувчи»нинг хисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан _______ банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлик етказиб берилгандан кейин ________ банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

**3.2.** Тўлов тури: **пул ўтказиш**

### 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

**4.1.** Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган махсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин ____кун вакт ичида берилиши шарт.

**4.2.** Шартноманинг амал қилиш муддати: 202 2йил «24» январдан 2022 йил «31» декабригача ўз кучида қолади.

### 5. Тарафлар хукуқлари

**5.1.** «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

**5.1.1.** Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вактида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб килишга;

**5.1.2.** «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

**5.2.** «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

**5.2.1.** Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

**5.2.2.** «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

### 6. Тарафлар мажбуриятлари

**6.1.** «Сотувчи» мажбурияти:

**6.1.1.** Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни бериш;

**6.1.2.** Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳоси микдоридаги пул маблағини кайтариб бериш.

**6.2.** «Харидор» мажбурияти:

**6.2.1.** Махсулотни қабул килиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

**6.2.2.** Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аникланганидан кейин, бу хақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

**6.2.3.** Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

### 7. Тарафлар жавобгарлиги

**7.1.** Махсулот бериш вактида шартнома бандларига тўлик риоя килмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлик қоплайди ва 0,1% миқдорда пеня тўлайди.

**7.2.** «Сотувчи» махсулотни тўлик етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун махсулот баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.

**7.3.** Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1 % миқдорида пеня тўлайди.

**7.4.** Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вактида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 0,4 % миқдорда жарима тўлайди.

**7.5.** Махсулот учун «Харидор» ўз вактида ёки тўлик тўловни амалга оширмаган бўлса, туловга оширилмаган маблағ миқдоридан хар бир кечиктирилган кун учун 0,4 % пеня тўлайди, лекин шартноманинг умумий кийматини 50 % миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

**7.6.** «Сотувчи» омборидан ўз вактида мол-мулк олиб чикиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорида жарима тўлайди.

**7.7.** «Харидор» шартномада курсатилган махсулотни тулик хажмда еки кисман сотиб олишдан бош тортса, сотиб олинмаган махсулот киймати микдорида «Сотувчи»га жарима тулайди.
**7.8.** Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### 8. Форс-мажор ҳолатлари

**8.1.** Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.
**8.2.** Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

### 9. Низони ҳал қилиш тартиби

**9.1.** Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
**9.2.** Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

### 10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

**10.1.** Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш, қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб, газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.
**10.2.** Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

### 11. Бошқа ҳолатлар

**11.1.** Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
**11.2.** Ушбу шартнома Узбекистон Республикаси Президентининг ПК-594 сонли карорига асосан Газначиликда руйхатга олингандан кейин конуний кучга киради.
**11.3.** Тарафларнинг бошка талаблари: ____________________

### 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

**«ИЖРОЧИ»** **«БУЮРТМАЧИ»**

| **"FRESH TRADE GROUP KHOREZM"** МЧЖ | **Урганч ш. Мактабгача таълим булими** |
|---|---|
| Манзили: Урганч шахар | Манзили: Урганч ш. Шероз кучаси 29-уй |
| Тел/факс: (+998 99)500-15-51 | Тел/факс: 62228-48-52 |
| х/р20208000000760522001 | ш х/р: 100022860334017091100251001 |
| Банк: АТ «Алокабанк» Урганч филиали | ИНН: 305155451 |
| МФО: 00401 | ОКЭД: |
| ИНН: 304823468 | Молия вазирлиги газначилиги |
| ОКЭД: 46110 | Газна х/р:23402000300100001010 |
| | Банк номи:М.Б. ББ ХККМ Тошкент шахри |
| | МФО:00014 |
| | ИНН:201122919 |

М.Ў. Б.Бабажанов (Имзо) М.Ў. Д.Кувваков (Имзо) ( Ф.И.О.)

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: B17126250137

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ __

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:** "Shartnoma 1"

**3. Loyiha mazmuni:** "FRESH TRADE GROUP KHOREZM" MCHJ rahbari B.Babajanov va Urganch shaxar Maktabcha ta'lim bo'limi rahbari D.Kuvakov o'rtasidagi yetkazib berish shartnomasi.

**4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligining Xorazm viloyati boshqarmasi Urganch shahar bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 17-yanvar kuni "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali Urganch shahar yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi 29.08.1998-yildagi 670-I-son "Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar asosida huquqiy ekspertiza qilindi.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**Markaz bosh yuriskonsulti:** **L.Bekmirzaeva**

2022-yil 18-yanvar